

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2018 йил 22 март • пайшанба • № 34 (4007)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЯНГИЛАНИШ, МЕХҲР-ОҚИБАТ ВА ФАРОВОНЛИК АЙЁМИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА НАВРЎЗ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Жонажон юртимиз — Ўзбекистонимизга яшариш, баҳор ва гўзаллик байрами — Наврўзи олам кириб келмоқда.

Ана шу қутлуг айём — Шарқона янги йил билан сиз, мухтарам отахон ва онахонларини, мунис опа-сингилларимиз, суюкли фарзандларимиз, бутун халқимизни чин юракдан самимий муборакбод этаман.

Қалбларимиз шодлик ва қувончга тўлган мана шу нурли лаҳзаларда барчангизга сихат-саломатлик, хонадонларингизга бахту саодат, файзу барака тилайман.

Қадрли дўстлар!

Бугун кўп миллатли халқимиз дала ва қирларда, майдон ва хиёбонларда, табиат бағрида сайил-томошалар ўтказиб, Наврўз айёмини кутиб олмоқда.

Етти ёшдан етмиш ёшгача — барча юртдошларимиз катта шоду хуррамлик билан бир-бирини қутлаб, шу ёруғ кунларга етказгани учун шукроналар айтмоқда.

Эл-юртимизнинг табарруқ заминимизга, она дийдоримизга меҳри, ўзаро ахиллик, меҳр-оқибат фазилатлари янада яққол намоён бўлмоқда.

Шу дилбар фаслда табиатдаги ўзгаришларга уйғун бўлиб, жамиятимиз, ҳаётимиз ҳам ўзгариб, янгиланиб бормоқда.

Янги-янги уй-жойлар, таълим, тиббиёт ва маданият масканлари, замонавий корхоналар, обод кишлоқ ва шаҳарлар юртимиз чиройига чирой қўшмоқда.

Наврўз фалсафаси, Наврўз қадриятлари — одамларнинг дарду ташвиши билан яшаш, кексаларга ҳурмат, мухтож инсонларга эътибор ва ёрдам кўрсатиш, адолат ва халқпарварлик фазолиятимиз мезонига айланмоқда.

Биз энг аввало оналаримиз, аёлларимиз ва фарзандларимиз, бутун халқимизни рози қилишни ўз олдимизга эзгу вазифа қилиб қўйганмиз. Ва бу олий мақсадга албатта эришамиз. Шунда ҳаётимиз янада обод ва фаровон, буюк Алишер Навоий бобомиз

айтганларидек, ҳар кунимиз Наврўз бўлади.

Бугун миришкор дехкон ва фермерларимиз катта орзу-ниятлар билан янги меҳнат мавсумини бошламоқдалар. Барчамиз йилимиз қутлуг келсин, ҳосилимиз мўл бўлсин, меҳнатингиздан барака топинг, деб уларни табриклаб, ишларига ривож тилаймиз.

Азиз дўстлар!

Мана, бир неча йилдирки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорига мувофиқ Наврўз байрами халқаро миқёсда кенг нишонланмоқда.

Ҳақиқатан ҳам бу бетакрор байрам барча эзгу ниятли инсонларни бирлаштиради, уларнинг қалбига энг гўзал ва олижаноб гўйгуларни уйғотади. Шу боис ҳам Наврўзи олам мустикаллик йилларида, миллати, тили ва динидан қатъи назар, дийдоримизда яшаётган барча юртдошларимизнинг ардоқли ва севимли байрамига айланди.

Бугун чет эл дипломатик корпус вакиллари, хорижий дўстларимиз ва ҳамкорларимиз Наврўз қувончини биз билан бирга баҳам кўрмоқдалар.

Фурсатдан фойдаланиб, азиз меҳмонларимизга, барча яқин ва узоқ давлатлар халқларига самимий табрикларимизни йўллаб, уларга тинчлик-осойишталик, равиқ ва фаровонлик тилаймиз.

Қадрли ва мухтарам юртдошларим!

Мана шу мунаввар лаҳзаларда сиз, азизларга, бутун халқимизга энг эзгу тилақларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Шарқона янги йилимиз ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга бахт ва қувонч олиб келсин!

Барча пок орзу-ниятларимиз амалга ошсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Мамлакатимиз бўйлаб Наврўз сайиллари бўлиб ўтмоқда

Юртимизга баҳор келди. Она замин узра қўқлам насили эса бошлади. Қаҳратон совуқда мудроқ ётган дов-дарахт уйғониб, бутун қуртак ёзди. Кўёшнинг қайноқ тафтини соғинган майсалар кўзни қувватлаб, кўкка бўй чўзди. Нозик новдаларга гул битди, қийғос гуллаган боғлар қапалак ва болариларга ошён бўлди. Бутун борлиқда уйғониш, янгиланиш, яшариш манзаралари...

Юртимиз бу гал ҳам тинч ва осойишта, халқимиз сихат-саломат ва бардам, салмоқли ютуқлари, мўл-қўл орзулари, эзгу тилақлари билан Наврўз шодлиқларига қадам қўймоқда. Осмонимиз мусаффо. Бир дунё орзулар билан эртани кутиб, келажакка нишон билан тўю-томошалар қилиш, янги уй-жойлар солиш, Ватан тараққиётига муносиб хисса қўиш ниятида яшаётган халқимиз «Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадамнинг қутлуг бўлсин! Юртимиздаги тинчлик-омонликка кўз тегмасин!» деб қутлуг айёмга пешвоз чиқмоқда.

2»

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноблари!

Наврўз байрами арафасида Хитой ҳукумати ва халқи номидан, шахсан ўз номидан Сизни ва бутун Ўзбекистон халқини ушбу байрам билан муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Сўнгги йилларда Хитой — Ўзбекистон муносабатлари янги стратегик даражага кўтарилди, бу мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик ришталарига янги ҳаётли куч бағишлади. «Бир макон — бир йўл» қўшма лойиҳаси доирасидаги икки томонлама ҳамкорлик изчил тараққий этмоқда, халқаро ва минтақавий масалалардаги ўзаро алоқалар мустаҳкамланиб бормоқда. Икки томонлама муносабатларнинг жадал ривожланиши халқларимиз учун фойдали бўлмоқда. Хитой — Ўзбекистон муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишим ва Сиз билан дўстликни юксак қадрлашимни яна бир бор таъкидлашга ижозат бергайсиз.

Си Цзиньпин,
Хитой Халқ Республикаси Раиси

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
Жаноби Олийларига

Ҳурматли Президент, азиз қардошим! Ўлкаларимиз ўртасидаги қадим дўстлик, қардошлиқ, бирдамлик ва ҳамкорликни ўзида мужассам этиб, келажак авлодларга етказган Наврўз байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларини ҳамда дўст ва қардош ўзбек халқини турк халқи ва шахсан ўз номидан энг самимий тилақларим ила табриклайман.

Ҳурмат билан,

Режеп Таййип Эрдоған,
Туркия Республикаси Президенти

ЎА

2»

СЕН БАҲОРНИ СОҒИНМАДИНГМИ?

Уйғонувчи боғларни кездим,
Топаи дедим қирдан изингни.
Ёношиндан ранг олган дедим —
Лолазорга бурдим юзимни,
Учратмадим аммо ўзингни,
— Сен баҳорни соғинмадингми?

Узоқларда залворли тоғлар
Ҳаёлимни келдилар босиб.
Кечди қанча интизор чозлар,
Васлинг менга бўлмади насиб,
Сенсиз мен ҳам, баҳор ҳам гариб,
— Сен баҳорни соғинмадингми?

Ўнгирилларда сакрайди оҳу,
Наъматакда саъва миттижон.
Қорлиқлардан сипқарилган сув,
Дараларда уради жасалон.
Ногоҳимдан фақат сен пинҳон,
— Сен баҳорни соғинмадингми?

Мана, бугун наврўзи олам,
Дўстларимга гуллар тутарман.
Қайлардасан, севгили эркам...
Қўлимда гул, сени кутарман,
Умрим бўйи чорлаб ўтарман,
— Сен баҳорни соғинмадингми?

Таниқли адабиётшунос Иброҳим Ғафуровнинг
«Абдулла Орипов сиймаси» номли мақоласини
4-саҳифада ўқисиз.

Наврўз минтақамиз халқларининг қадимий ва умумий байрамидир. Унинг моҳиятида дўстлик, ахиллик, бағрикенглик, яхши қўшнилик каби олижаноб фазилатлар ўз ифодасини топган. Халқимиз азалдан бу байрамни дўсту яқинлари, қон-қардошлари билан бирга нишонлаган.

НАВРЎЗ – ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК БАЙРАМИ

Ўтган йили Наврўз кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикасига давлат таширифи билан борган эди.

Бу йил Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев Ўзбекистон халқини Наврўз билан табриклаш мақсадида Самарканд шаҳрига ташириф буюрди.

Олий мартабали меҳмонни Президент Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Самарканд шаҳридаги Форумлар мажмуасида икки давлат раҳбарларининг учрашуви бўлди.

Қардош ўзбек ва қозоқ

халқлари азалдан ёнма-ён яшаган, яхши кунларда ҳам, кийинчилик дамларида ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлаган. Бундай дўстлик ва ахиллик бугунги кунда халқларимиз ўртасидаги алоқаларга мустаҳкам асос бўлмоқда.

Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоев ташаббуси билан Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Мамлакатларимиз вазирлик ва идоралари, ҳудудлари ўртасидаги алоқалар фаоллашди. Транспорт йўлақлари очилиб, темир йўл ва автобус катновлари йўлга қўйилди.

Маданий-гуманитар ҳам-

корлик кенгайди. Санъат ва маданият намоёндалари, шоир ва ёзувчилар икки мамлакатдаги кўрғазма ва фестиваллар, маданий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этмоқда. 2018 йил Қозоғистонда Ўзбекистон йили ўтказилаётгани халқларимиз ўртасидаги маданий алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Президентлар минтака давлатлари, хусусан, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги самимий муносабатлар ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкамланиб бораётганини қайд этиб, чегаралардаги енгилликлар икки мамлакат халқларининг

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

41

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Миромонович!

Уйғониш, яшариш ва янгилаш фасли – Наврўз айёми муносабати билан самимий табрикларимни қабул қилгайсиз. Мамлакатларимиз ўртасидаги мустақам дўстлик ва муштарак маънавий қадриятларга асосланган кўп томонлама муносабатлар халқларимиз манфаатлари йўлида янада жадал ривожланишига ишончим комил.

Хурмат билан,

Нурсултон Назарбоев,
Қозоғистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Миромонович!

Қирғизистон халқи ва шахсан ўз номидан Сизни ҳамда Сизнинг тинимсизлигида бутун Ўзбекистон халқини баҳор айёми – Наврўз билан самимий муборакбод этаман.

Наврўзни нишонлаш халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик анъанавий дўстлик, яхши қўшнилик ва қардошлик алоқаларини мустақамлашга хизмат қилади.

Биргаликдаги сазй-ҳаракатлар билан Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро ишонч ва аниқлашув таъминланишига асосланган муносабатлар халқларимиз манфаатлари йўлида бундан бундан ҳам ривожланиб боришига ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Эхтиром ила,

Сооранбай Жээнбеков,
Қирғизистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Миромонович!

Сизни ва биродар Ўзбекистон халқини баҳор ва уйғониш айёми – халқаро Наврўз байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Умид қиламанки, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари бундан буён ҳам Наврўзнинг ҳаётбахш ғояларидан илҳомланиб, изчил тараққий этиб боради.

Хурмат билан,

Имомали Раҳмон,
Тожикистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Миромонович!

Қадри биродарим!

Халқаро Наврўз айёми муносабати билан Сизга ва Сиз орқали қардош Ўзбекистон халқига самимий табрикларимни изҳор этиш, фаровонлик ва равақ тилашга ижозат бергайсиз.

Бир неча минг йиллик тарихга эга Наврўз байрами меҳмондўстлик, яхши қўшнилик анъаналари бардавонлиги ва улуг инсонийлик тамойилларини мужассам этган халқларимизнинг маънавий ва маданий бойлиги ҳисобланади.

Чўқур ҳурмат ила,

Гурбангули Бердимухамедов,
Туркменистон Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Миромонович!

Ўзим ва Озарбайжон халқи номидан Сизни ва Ўзбекистон халқини миллий ва маданий-маърифий қадриятларимизни ўзда мужассам этган Наврўз байрами билан самимий қутлайман.

Халқларимиз иродаси билан биз бундан буён ҳам Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини биргаликда мустақамлаб боришимизга ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Хурмат билан,

Илҳом Алиев,
Озарбайжон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Мухтарам Шавкат Миромонович!

Халқаро Наврўз байрами кириб келиши муносабати билан Афғонистон халқи номидан Сиз, Жаноби Олийлари ва биродар Ўзбекистон халқига ўзимнинг энг самимий табрикларимни изҳор этаман.

Муштарак байрамимиз билан яна бир бор муборакбод этган ҳолда, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ва алоқаларнинг кенгайишига ишонч билдираман.

Муҳаммад Ашраф ғани,
Афғонистон Ислам Республикаси Президенти

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон ибн Абдулазиз Ол Сауд Саудия Арабистони Подшоҳлиги ворис шахзодаси, Бош вазирнинг ўринбосари, мулоффа вазири Мухаммад ибн Салмон Ол Сауд Индонезия Президенти Жокко Вадодо Фаластин Президенти Махмуд Аббас БАА вице-президенти, Бош вазири, Дубай амираи Мухаммад ибн Рошид Ол Мактум Афғонистон ижро ҳукумати раҳбари Абдулла Абдулла Кавказ мусулмонлари идораси раиси Оллохшукур Пошшоода табрик йўллади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Наврўз муносабати билан самимий табриклар келиши давом этмоқда.



ЯНГИЛАНИШ, МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ФАРОВОНЛИК АЙЁМИ

41

Халқимиз азалдан тўй ва шодиёналарини алоҳида таралдуд билан қарши олади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 23 февралда «2018 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» қарори қабул қилинган кундан бошлаб маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларда хашарлар, кенг қўламдаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ташкил этилди.

Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида ўз аксини топган меҳр-муруват, аҳиллик ва тотувлик, ёши улуг инсонлар, табаррук отахон ва онахонларини ҳар томонлама эъзозлаш, кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиш билан боғлиқ хайрия тadbирлари ўтказилди.

...21 март эрта тонгдан қарнай-сурнай ва ногоралар садоси таралиб, юртимизда Наврўз сайли бошланганидан дарак берди.

Наврўз байрами ҳамма жойда — Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, шаҳар, туман, қишлоқ ва йўлларда умумхалқ сайиллари шаклида ўтказилмоқда.

Тошкент шаҳридаги асосий байрам тadbирлари «Ўзэкспомарказ» мажмуида бўлиб ўтди. Қарнай-сурнай садолари халқни сайилга чорлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев байрам сайлига чиқди.

...Туффа ранг байроқчалар хилпирайди, ранго-ранг шарлар майин эпкинларда тебранади.

Наврўз тантаналари ўтадиган асосий сахна байрамона безатилган. Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт намояндаси, ишлаб чиқариш илғорлари, тadbиркорлар, табаррук отахон онахонлар, турли соҳаларда баракали меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари ташриф буюрган.

Президентимиз дастлаб байрам сайлида иштирок этаётган дипломатик корпус вакиллари, фахрий меҳмонлар билан кўришиб, уларни муборакбод этди.

...Асрлар давомида Наврўз кунлари халқимиз ётпасига кир-адирларга, кўча ва хибоналарга, гузар ва сайилгоҳларга сайилга чиқкан. Бахшлар айтишуви, лапарлар, ҳазил-мutoййба, қўшиқлар, халқ термалари, аскиячилар пайрови янграган.

Улок-қўпқари, пойга, кураш, мерганлик каби миллий ўйинлар ўтказилган. Дорбозлар, масхарабозлар, кўғирчоқбозлар, полвонларнинг томошалари бўлиб ўтган.

Юртимизда бу йилги Наврўз байрами ўзгача нишонланмоқда. «Ўзэкспомарказ» мажмуида кенг сайил сифатида ўтган байрам дастурида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган вакиллар ўз худуди тарихи,

маданияти, урф-одат ва анъаналарини акс эттирган чиқишлар, тансиқ таомлар ва хунармандлик маҳсулотларини намойиш этди. Устаю хунармандлар, ганчкорлар, каштадўзу чеварларнинг рангин либослари, дўмбира, доира каби халқ чолғу асбоблари, миллий буюмлар барчада катта қизиқиш уйғотди.

Ранг-баранг ашула ва рақс, турли бадий жамоаларнинг чиқишлари, уюштирилаётган халқ ўйинлари, қуйланаётган қўшиқ, лапар ва ижро этилаётган рақсларда қадимий байрамимизнинг хилма-хил ноёб қирралари ўз аксини топди.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир ҳудуд учун ажратилган майдонга бориб, уларнинг концерт дастурларини томоша қилди. Худудлардан ташриф буюрган нуруний отахон онахонлар билан суҳбатлашиб, уларни байрам билан табриклади. Қўллар дуога очилди.

...Йиғилар чиллак, зувиллатар ўйнайди, кураш тушиб беллашади. Коккигулдан бошга чамбараклар тақиб олган қизлар қошларига ўсма тўртпшади. Дорбозга қараган одамнинг кўзи қамашади. «Беш тош», «Мак-мак» ва «Оқ теракми, кўк терак?» ўйинлари, полвонлик, гимнастика, акробатика, масхарабозлик, кизикчилик каби намойишлар Наврўз сайли катнашчиларини ҳушуд этди. Дошқозонларда қайнаган сумалак ифори оламини тутди. Сочларига жамалак таққан қизлар шўҳ-шодон рақста тушади. Онахонлар тандирдан қайноқ нонларни узиб, меҳмонларга улашади.

Лапарлар, қўшиқлар, халқ термалари, аскиячилар пайрови қизиди. Фольклор жамоаларининг куй-қўшиқлари қушлар чуғурига, кўрам фавворанинг жидирашига уйғунлашиб кетди.

...Халқимиз Наврўзни ўзгача бир соғинч, интиқлик билан қутади. Бу гал ҳам шундай фусункор дамларда еру қўк бағрида рўй бераётган ўзгаришларни қалбидан ўтказаятган ҳамюртларимиз дилларида қувонч, ана шу ёруғ қушларга, гўзал ҳазини бебаҳо неъматларига эсон-омон етганимиз, осмонимиз мусаффолиги учун шукроналик туйғуларини тугён ураётди.

Юртимиз бўйлаб олиб борилаётган кенг қўламдаги ислохотлар руҳи одамлар қалбига қўчиб, ватандошларимиз бунёдкорлик, ободлик сари интиломоқда. Ўтган йили 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» да амалга оширишга оид Давлат дастури доирасида кенг қўламда ишлар амалга оширилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барча даражадаги раҳбарлар халқ ичига кириб, уларнинг дарду ташвишлари билан қизикди, муаммоларга биргаликда ечим топилиди. «Инсон манфаатлари ҳамма нарсасдан улуг» деган ғоя ҳаммамиз учун шiorга айланди.

Ҳаракатлар стратегияси ижроси доирасида 2017 йилда 20 дан ортиқ қонун ва 700 дан зиёд қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси, жойларда Халқ қабулхоналари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан биринчи марта мамлакатимиз парламенти — Олий Мажлиси Мурожаатнома тақдим этилди.

Ўтган йили юртимизда яшаб келаётган, лекин фуқаролиги бўлмаган 1100 дан ортиқ шахсга Ўзбекистон фуқаролиги берилди.

Шу билан бирга, мамлакатимиз тарихида биринчи марта 2700 нафар маҳкуми афв этиш тўғрисидаги Президент Фармони имзоланди. Бу ҳам инсонпарварликнинг юксак намунаси бўлди.

Қисқа муддатда 161 та йирик саноат объекти ишга туширилди. Тошкент иссиқлик электр станциясида буг-газ қурилмаси барпо этилди. Навоий иссиқлик электр станциясида иккинчи буг-газ қурилмаси, Қизилқум бағридаги Авмиезо-Амантой олтин қонлари негизига гидрометаллургия заводи қуриш бўйича ишлар давом этмоқда. Қандим газни қайта ишлаш комплекси ишга туширилиши ҳисобидан 2018 йилда қўшимча равишда 4 миллиард 100 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш, 67 минг тоннадан зиёд конденсат, 106 минг тоннадан ортиқ олтингугурт ишлаб чиқариш имкони яратилди.

Олмалик кон-металлургия комбинати «Ёшлик – 1», «Ёшлик – 2» қонларини ўзлаштиришга киришди. Сардоба, Марказий Фарғона ва Тўпаланг сув омборларини қуриш бўйича ишлар жадал олиб бориломоқда. Фарғона — Маргилон йўналишидаги темир йўл тармоғи айна пайдада электрлаштирилаётди.

Амалга оширилган чора-тadbirlar натижа-сида 2017 йилда иқтисодий ўсиш суръати 5,5 фоизни ташкил этди, экспорт ҳажми қарийб 15 фоизга кўпайди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 854 миллион долларга етди.

Миллий валютанинг эркин конвертацияси йўлга қўйилди. Юридик ва жисмоний шахслар хорижий валютани тижорат банкларида қулқовсиз сотиб олиш ва эркин сотиш имконига эга бўлди.

2017 йилда янги саноат қорхоналарини қуриш, хизмат кўрсатиш объектларини ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorликни ривожлантириш ҳисобидан 336 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Шаҳар ва қишлоқларда жами 3,5 миллион квадрат метрдан зиёд намунавий уйлар ва кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Бу 2007 йилга нисбатан 20 баробар, намунавий уй-жойлар қуриш дастури бошланган 2010 йилга нисбатан 3,5 баробар кўп уй-жой қурилганини кўрсатади.

25 йил давомида биринчи марта аҳоли учун арзон, барча қулайликларга эга кўп қаватли уй-жойлар қурилиши бошланди. 2017 йилнинг ўзида 800 минг квадрат метрдан зиёд ана шундай уй-жойлар қурилди. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида ўтган йили 420 минг квадрат метр кўп қаватли уй-жой фонди фойдаланишга топширилди.

Маънавий ҳаётимизда ҳам муҳим воқеалар содир бўлди. Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази, Имом Бухорий ва Имом Термизий номларидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислам академияси каби илмий-маърифий муассасалар фаолияти йўлга қўйилди.

Халқаро ҳамкорлик борасида ҳам мамлакатимиз тарихида улкан ўзгаришлар рўй берди. Бир йилнинг ўзида 21 та олий даражадаги ташриф амалга оширилди, 60 дан ортиқ давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари билан учрашувлар ўтказилди. Натижада 400 дан ортиқ битим ва келишувларга эришилди, қарийб 60 миллиард АҚШ доллари ҳажмидаги савдо ва сармоявий шартномалар имзоланди.

2018 йилга юртимизда Фаол тadbirkorлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўлла-қувватлаш йили, деб ном берилди. Бу йил бизнес-фаолиятни инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бунда рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонлар ҳар томонлама қўлла-қувватланади.

...Наврўз мамлакатимизда яшайётган, милли, динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз орқиб кутадиган умумхалқ байрамидир. Бугун мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллият ва элат вакиллари аҳил ва иноқ яшамокда. Улар умумий уйимиз — Ўзбекистонимиз равақи йўлида барча соҳаларда фидокорона меҳнат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари тағтайнага ташриф буюрган турли миллият ва элат вакиллари билан учрашиб, уларни байрам билан табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Наврўзи олам — Шарқона янги йил билан бутун Ўзбекистон халқини самимий муборакбод этди.

Қутлуг кунда барчага сўхат-саломатлик, бахт ва омад, оилаларга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилади.

...Майдон узра янграётган дилбар куй-қўшиқлар мамлакатимизнинг олис-олис ҳудудларига таралиб, байрам шукухини юртимиз бўйлаб ёйди.

Шу кунги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳрида ўтказилган Наврўз шодиёналарида ҳам иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб шаҳардаги марказий истироҳат боғида яқинда ўрнатилган Алишер Навоий ва Жомий хайкаллари пойига гул қўйди. Шу ерда самарқандлик иқдорлар ҳамда Наврўз шодиёналарида иштирок этиш учун юртимизга келган тожикистонлик шоир ва ёзувчилар билан мулоқот чоғида ўзбек ва тожик адабиётининг бу икки буюк вақили хотирасига ўрнатилган ёдгорлик халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик, яқинлиқни янада мустақамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий номидаги марказий маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган байрам тadbirlarida вилоят жамоатчилиги, нурунийлар, ишлаб чиқариш фаоллари, ёшлар билан суҳбатлашиб, барчани байрам билан яна бир бор табриклади. Самимий суҳбат чоғида мамлакатимиздаги ислохотлар, одамлар ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақида сўз борди.

Абу Бакр ўРОЗОВ,

ЎЗА муҳбири

ЎЗА фотомуҳбирлар

Сарвар ўРМОНОВ, Аъло АБДУЛЛАЕВ,

Оқил ҒУЛОМОВ олган суратлар.



Миннатдор дил изҳори

АЁЛЛАРИМИИЗ БАХТИ — жамиятимизнинг бахтидир

Гўзал ТЎХТАЕВА,

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари,
Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси,
«Меҳнат шўхрати» ордени соҳибаси



Ҳаётда шундай воқеалар бўладики, инсоннинг қалбини қувончга тўлдириб, хайрли ишлар сари рағбат уйғотади. Элга наф келтиришни олий саодат деб билган нуфузли ташкилотнинг вакиласи сифатида 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланган тантанали учрашувда қатнашганим, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев фармони билан «Меҳнат шўхрати» ордени билан тақдирланганим ҳаётимдаги унутилмас воқеа бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг аёллар, оналар шайнига айтган меҳр ва эҳтиромга тўла сўзлари анжуманда иштирок этган барча аёллар каби мени ҳам ниҳоятда тўлқинлантирди. Миллат онаси, жамият тарбиячиси бўлган аёлни эъзозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос олижаноб қадрият ҳисобланади. Қарангки, юртимизда турли соҳа ва тармоқларда ишлаётган ишчи ва хизматчиларнинг 43 фоизини хотин-қизлар ташкил этиб, давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин аёллар раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг орасида 500 нафардан зиёд фан докторлари ва академиклар, минглаб фан номзодлари борлиги аёл меҳнатига, иқтидорига эътиборнинг ёрқин намунаси десам, асло муболаға бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида тиббиёт соҳасини, хусусан, шошилинч тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш, дори-дармон таъминотини яхшилаш бўйича жорий йилда бюджет маблағлари ҳисобидан қарийб 1 триллион сўм маблағ ажратилганини таъкидлади. Ишончимиз қомилки, оналар ва болаларга кўрсатилган тиббий хизмат даражаси янада юқори поғонага кўтарилади. Шу ўринда, хотин-қизларнинг дам олиши, саломатлигини тиклашига ҳам катта эътибор қаратилаётгани, ҳар йили касаба

уюшмаларига қарашли санаторийларда дам олаётган аҳолининг 60 фоизини аёллар ташкил этаётгани, 2017 йилда 75 мингга яқин аёл ана шундай масканларда имтиёзли йўлланмалар билан соғломлаштирилгани касаба уюшмаси тизими вакиласи сифатида менга ҳам фахр-ифтихор бахш этди

Бугун соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг 80 фоиз-

ЯНГИ ТУЗИЛАЁТГАН ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИНИ БОШ КЕЛИШУВ ҲАМДА ТАРМОҚ КЕЛИШУВИГА МУВОФИҚЛАШТИРИШГА, БУНДА «АЁЛЛАР МЕХНАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ, АЁЛЛАР ВА ОИЛАВИЙ ВАЗИФАЛАРНИ БАЖАРИШ БИЛАН МАШҒУЛ ШАХСЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР» БАНДИДА БЕЛГИЛАНГАН ИМТИЁЗЛАР КИРИТИЛИШИГА ЭРИШИЛДИ. ҚОЛАВЕРСА, ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИДА ЎЗ АКСИНИ ТОПАЁТИР.

дан ортиги хотин-қизлардан иборат экани, табиийки, зиммамизга катта масъулият юклайди. Бугун фикру-ёди юрт келажаги ва раванакига қаратилган фидойи, куюнча аёлларимиз саломатлигини муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш биз, касаба уюшма фаоллари учун ҳам қарз, ҳам фарзидир. Шу ўринда алоҳида таъкидлашни истардимки, тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси тизимида фаолият кўрсатяётган аёлларнинг жамият ва оиладаги мавқеини ошириш, меҳнат бозоридаги рақобатда улар манфаатини ҳимоялаш, иш берувчининг адолатли муносабатда бўлишини таъминлаш, уларнинг бўш

вақтини мазмунли ўтказиш ва саломатлигини тиклашда фаол қатнашмоқда. Уларга хавфсиз меҳнат дам олиш шароитлари, яратилиш, меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш, қўшимча имтиёзлар бериш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, маданий-маърифий йўналишлардаги тадбирларда иштирокини кенг таъминлаш устидан жамоатчилик назорати ўрнатилгани ҳам ўз самарасини бераётир. 1152 нафар аёл билан меҳнат ҳуқуқи, иш соатлари, тиббий кўрик, устама тўловлар, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя, бандлик, нодавлат ташкилотларда хизмат қилаётган ходимларнинг манфаатлари, ўриндошлик, кафолатли тўлов, имтиёзли пенсия таъминоти каби масалалар юзасидан қабуллар ташкил этилди. Тармоқ тизимидаги 14 та олий ўқув юртида талабалар касаба уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш орқали ёшлар ўртасида ижтимоий меҳнат соҳасига оид халқаро ва миллий мезонлар тарғиб қилинди.

Жамоа шартномалари орқали икки ёшдан уч ёшгача бўлган 781 нафар ёш онага моддий ёрдам кўрсатилиб, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг 75 нафар фарзандига ўқув қуроллари тақдим этилди, 241 нафари эса чет тилларни ўрганиши учун қўллаб-қувватланди. Кам таъминланган, кўп болали, одис ва чеҳка ҳушларда, мураккаб иқлим шароитида яшовчи оилалардаги 492 нафар аёл санаторийларда имтиёзли, 15 нафари бепул соғлиги тикланди. 3900 нафар ҳамширанинг Тошкент шаҳрига саёҳати ва «Истиклол» санъат саройида «Бор бўлинг, ҳамширалар» номи гала концерти ташкил этилди...

Янги тузилаётган жамоа шартномалари лойиҳаларини бош келишув ҳамда тармоқ келишувига мувофиқлаштиришга, бунда «Аёллар меҳнатини тартибга солиш, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёз ва кафолатлар» бандида белгиланган имтиёзлар киритилишига эришилди. Қолаверса, хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги қўшимча имтиёзлар жамоа шартномаларида ўз аксини топаётир.

Халқимиз соғ-саломат бўлса, юртимиз тинч бўлса, юксак марраларга эришишимиз мукаррардир.

Зеро, соғлом аёл соғлом келажақ гаровидир.

Нозима УМАРОВА,
«Ishonch» мухбири

Мусобақа

Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан Наврўз умумхалқ байрамига бағишлаб шахмат мусобақаси ўтказилди. Унда 100 га яқин касаба уюшма аъзоси ва уларнинг оила аъзолари иштирок этди

Шахмат ақлни пешлайди

Эркалар ўртасида Тошкент архитектура-қурилиш институти ўқитувчиси Акмал Исмоиловга, аёллар ўртасида Яшнобод туманидаги 255-мактаб ўқитувчиси Юлдуз Шохўжаевага, 25 ёшгача ёшлар ўртасида Турин университети талабаси Мадина Қохқоровага ғолиблик насиб этди. Жамоавий баҳсларда эса 1-ўринга Таълим, фан ва маданият ходимлари,

2-ўринга Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари, 3-ўринга Металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари жамоалари сазовор бўлди.

— Шахмат билан ёшлимиздан шугулланаман, — дейди Тошкент архитектура-қурилиш институти ўқитувчиси Акмал Исмоилов. — Мусобақа жуда қизиқарли кечди. Ўзим каби



шахматсеварлар билан баҳс юритиш менга завқ бағишлади. Бунинг учун мусобақа ташкилотчиларига миннатдорлик билдираман.

Ғолибларга касаба уюшмасининг фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалари тақдим этилди.

Зулфия ХОЛМУҲАММЕДОВА,
«Ishonch» мухбири

Умрбоқий удумларимиз

Баҳор, кўклам насимлари энг аввало одамларни уйдан ҳовлига чиқаради. Ҳатто киш бўйи эшик ё дераза тирқишидан озгина шамол кирса-да, боди қўзғайдиган чол-кампира бугун офтобрўйда. Гўё дарахтларнинг ўзигина эмас, бутун олам гулларга буркангандек. Ўқувсиз уста ясаган қайиқдек шаклсиз булутлар сузиб юрган зангори осмонда варрак парвози...

— Ойижон, ҳамма қўшнилари ҳовлида, сиз ҳам чиқинг, — дейди келиним. Албатта, чикаман. Чунки қорли, изғиринли кишда йўлакда дуч келиб қолсак, шоша-пиша сўрашиб, иссиқ уйга чопганимиз хаки, қўшнилари билан дийдорлашишга дилда интиқлик бор.

— Келинг, қўшни, мана биз хашарни

мизга мерос бўлиб қолса, «жон» дердим.

Бу самимий гапларни эшитиб, София-хонимни янаям яхши кўриб кетаман, елкаларидан кучай дейман, бўйим етмайди. Унинг, айниқса, «Ота-боболаримиз» дея қалбимизни қалбимизга яқинлаштирганга тан бераман. Бир осмон остида, бир ер юзида яшаймизми, жони-



бошлаб юбордик, атаганингиз бўлса, олиб чиқаверинг, — дейди ўзбекча талаффузи ниҳоятда ширин, ён қўшним Софияхоним. Бу дилбар аёл узок йиллар мактабда рус тили ва адабиётидан дарс берган. Ҳозир нафақада. Ҳеч ким устоз муаллимга «Дом»даги болаларни йиғиб хашар қил», — демасди. Лексин Софияхоним уйимиз атрофида қишда йиғилган хас-хашак, у-бу ерда фаросати бундайроқлар ташлаб кетган чиқиндиларни болаларга бош бўлиб йиғиштирилади. Қизикроқ бўлсин учун бўлса керак, болаларни икки гуруҳга бўлади.

— Бу гуруҳга — Сардор, бунисига — Санжар бошлик, биринчи гуруҳ «Дом»нинг орқаси ва ўнг томонини, иккинчиси олди ва чап тарафини тозалайди, — дейди. Мен айни икки гуруҳ ўртасида мусобақа қизиган пайтда ҳовлига чиқибман. Ўсмир ўғил-қизлар худди хакамлар хайъати уларга баҳо қўядигандек, тозалаш ишларида астойдил қатнашишди. — Ота-боболаримиздан канака яхши анъаналар қолган-а. Шулардан биттаси ҳовли-жойни тоза сақлаш, ўсиб келаётган авлод қалбида фақат уйинигина эмас, кўчасини ҳам обод қилиб қўйиш, «Мен шу кўчанинг эгасиман» дейишдек муқаддас туйғунни уйғотиш... Ахир, мендан мана шу баҳорий, наврўзий хашар «дом»и-

миз бир-биримизга тутатиб кетади-да, дейман.

Ҳамма ҳовлида. Мана бу қўлбола сўрини артиб-суртиб, кўрпача тўшаб, дастурхон солишга хозирланаётган Дилафрўз келин. Ўзи уйда куйдир-пишир қилгани етмагандек, бошқа келинчаларни ҳам тинчитмайди.

— Ўлмасой, Иродахон, қани борингизни олиб чиқинг. Кўпчилик бўлиб еган таом ширин бўлади, — дейди. Зеро, хашар баҳона дийдор ғанимат бўлади. Ҳамсояларни бир кеча ва бир кундуз ўчоқ атрофида йиғадиган бу хашар эмас, дебеча, холос. Бу вазифани Наврўз сумалаги адо этади.

Аввало, ўчоқ қазилиб, ўтин тайёрланади. Ҳазиллашроқ мўйсафидлар ёш йигитларни ўчоқ ичига тушираётди ё бир киш совукда ётиб қотиб кетган, қулоч етмас ғўлаларни майдалаш учун қўлларига болта бераётди:

— Қани кучларингни кўрсатинглар. Анаву Дилбарниқиди киз бор, Моҳираниқиди... Зора, билаларингдаги қувватни кўриб бирортаси «Яхши киз — маҳалланики», деб юборса, — дея хазиллашади.

Буларнинг ҳаммаси чиройли, буларнинг ҳаммасида кўп йиллик тарбия кўринишлари бор. Аёллар эса бир хо-

надонда бугдой ундиришади. Бугдой унаётган хонага ҳар кимнинг кириши ман этилади. Нинанинг учидек келган оқимтир бугдой нишини сикиб сувини олишнинг ўзини беҳато бажариш керак.

Ўчоқда ўт ловуллаб, қозонга ёғ солиниб, ўтганлар руҳини ёдлаб, чалпақ пишғунча бўлган фурсатда қўшнилари орасида қувонч ҳам, ҳасрат ҳам, умид ҳам, ният ҳам камида ўн мартабала юмалаб, айланиб чиқади.

— Қўй, гапирма, деб бўлармиди? Одам тафтини одам олади-да. Сумалакдан муддао фақат бу беназир таомни пиширишгина эмас-ку?!

Ҳаёлларим баҳор шамолдек таркок

Матбуот анжумани

«Томирида миллий ғурур, Ватан ишқи жўш урган одамгина буюк ишларга қодир бўлади». Ушбу сўзлар куни кеча Миллий матбуот марказида тақдироти ўтказилган «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологиялар — келажақ пойдевори» номи тавсиялар қўлланмасидан жой олган.

Ватан барчамизга она кабидир


Ушбу қўлланмада Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз» китобидан, маъруза ва нутқларидан олинган қайлар, фаол тадбиркорлик, инновацион ғоя ва технологиялар хусусидаги фикрлар, донишмандларнинг ибратли сўзлари, халқ мақоллари, шеърӣ мисралар, хикматлар жамланган. Тавсиялардан марказий кўчалар, бозорлар, хиёбонлар, бекатлар, автотранспорт воситалари, темир йўл ва

метро вагонлари ҳамда одамлар гавжум бўладиган, тадбирлар ўтказиладиган манзилларга ўрнатиладиган баннерлар, плакатлар ва турли тасвирий-тарғибот воситалари, маънавий-маърифий тадбирларни тайёрлашда фойдаланиш кўзда тутилган.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоб берилди.

Нозима УМАРОВА,
«Ishonch» мухбири

Ижод руҳи



дунё юзини кўрган — шеърлари жамланган. Афсуски, бу сарбаланд томи шоирнинг ўзи кўролмади. Аммо сал аввалроқ, 2015 йилда «Ўзбекистон» нашриёти шоирнинг 2015 йилда битган шеърларини «Эверест ва уммон» деган ном остида тухфа қилганди. Бу китобни ўқиб, Абдулла Орипов шеърляти тамомила янги чўққиларни эгаллаганини, шеърлятнинг дунё миқёсига мавзуларига кўра ҳам, уларнинг талқинига кўра ҳам чиққанини, янги бадияят чегараларига етиб боргани, қалб шу янги бадияят марафонларини эгаллаш учун тамомила ва охиригача — то сўнгги учкунгача ёнганини кўрган, ижодкор феномени қудрати қанча-

нинг шоир юраги! Ҳаётининг охириги йилларида дунёнинг энг сарбаланд чўққиси Эверест — Жомолунгма ҳақида, дунёнинг энг худудсиз баҳри муҳити Атлантика ҳақида шеърли сатрларда ўйга ботиши бежиз эмасди: ўзбек шоири буларни ўзи кўрди, ўзи бекиёс туйғулар билан ҳис қилди. Абдулланинг илк шеърляриёқ изтироблар ва зиддиятларга бегона эмасди. Булар инсонга тугилишданок, хатто она курсиданок фикрловчи инсонга хос: улар табиат ва коинотдан инсонга ато этилмиш. Мана, ҳозир «НАСА» фазо суратларидан одамзодга маълум бўлаётир: Юпитердан тортиб Марсгача ва Куёш

қилади ва унда ғалаён кўзгайди. Баъзан меъёр бузилганда, ўқувчи «Ий-е, бу ҳақиқат эмас-ку! Бу бошқача-ку! Бунга ишонмиш қийин!» — дейди. Абдулланинг шоирона қудрати ифодаланган, 2015-йилда ёзилган «Янги аср манзараси» деган шеърига мурожаат этайлик: **«Ҳамма бир-бирига боқар шуқуҳсиз, Теграсин кўрмайди, юмукдир кўзи. Улкан яйловдаги қалбсиз ва руҳсиз, Тўдадан иборат гўё ер юзи...»** Бу шоирни чулғаб олган оний бир хаяжон, оний бир туйғунинг ифодасими? Шеър ижодида, шеър яратилишида онийлик — оний қай-


ган. Мирзо Улуғбекнинг тарих китобида юрт тарихига фожиялар бостириб қилиб келаётганини улғу олим ва улғу шоир муаррих каби ифода-лаб, «Ваҳм чумчуқлари чирқиллади», дейди. Абдулла Ориповнинг кейинги давр икки салмоқли китоби жамланган шеърлятнинг мундарижаси ва мавзу йўналишларида мана шу изтиробли, ўта зиддиятли ҳол ҳоким эканини кузатиш мумкин... Шоир яна ёзади: «Асрлар қазидан келган бир сасдир: Умримда ҳеч қачон ҳақ бўлмаганман»... Қаранг, улғу шоир «ҳақ бўлган эмасман», деб бир ҳақиқатини ифодаламоқда ва ушбу ҳақиқатнинг тағида фаросатли ўқувчи шоирнинг инсоний кечинмаларида ҳақлигини англамоқда. Мана булар ҳаммаси том маънода шоирона фикрлаш тазодлари — умуминсониятга хос зиддиятлардир.

Абдулла Ориповнинг кейинги йиллар шеърляти Ер юзидаги инсониятни қаттиқ чирмаб олган, бениҳоя чуқур томир отиб бораётган зиддиятларнинг натижаси, ҳосиласи деб қарамоқ жоиз. Шоир наздида ер юзи инсоф ва виждон тинимсиз, аммо секин фарёд чекаётган майдон — поёнсиз яйловга айлана бормоқда. Шундай шароитда ўзини гоҳо овози юракларни ўртаган танҳо қушга менгзайди ва ўз ҳаётига қиёс қилади:

«Ўша қушдек яшадим чўчиб, Сизни хавфдан айладим огоҳ, Кетолмадим кўкка ҳам учиб, Тополмадим ерда ҳам панох».

Бу каби дардли сўзлар, танқид учқунлари чарсиллаган фикрларни шоир 91-йилдаги бир суҳбат-тида: «Мен учун энг муҳими, шеърлятим халқим учун яшаб қоладими, йўқми, гап шунда. Изтироб юрагимда эримас тош бўлиб қолди», деб айтган эди. У рўй-рост очикдан-очик айтган, кўп ишоралар қилган ва очик гапларида ҳам, ишораларида ҳам улғу шоирлик башоратлари мужассам эди. Хондамир «Макорим ул-ахлоқ» китобида «Ёзувчилик иши чексиз олижаноблик намунасидир», дейди.

Абдулла Ориповнинг ижоди, шеърляти мана шундай эзгулик ва олижанобликлар тугўнларидан бино бўлган эди. Халқимиз унинг безовта руҳини бу — ўлмас ижод руҳи деб алкагай ва озодликка, огоҳликка чакирган руҳ деб танигай!



ИБРОҲИМ ҒАҒУРОВ,
Ўзбекистон
Республикаси санъат арбоби

Мана икки йил ҳам бўлаётир: орамизда Абдулла Орипов йўқ. Мангу ҳаёт унинг йўқлигини билдирмайди: тириклар барча давраларда, Ўзбекистоннинг ҳар қарич тўпроғида, қаерда майсалар унган бўлса, қаерда ҳатто тошлар, саҳролар, сарбаланд тоғлар, дарёлару жилғалар ҳаёт номини айтиб гўллаётган бўлса, ўша ерларда Абдулла Орипов эсланади, шеърлари айтилади, ўмири жовидони нақл-лари сўйланади, қалблардан унинг жарангос сўзлари тошади. Тошқин ўзбек дарёси эди-да Абдулла Орипов. Ғалаёнли, тугўнли ўзбек денгизи эди-да Абдулла Орипов! Руҳ абадий деб мана шунга айтадилар!

Ўтган ёз бўйи, куз чоғлари дўстим, биродарим, зукко адабиётчи Дониёр Бегимқулов тақдим қилиб келтирган Абдулла Орипов асарларининг саккизинчи жилдини мутолаа қилдим. Бу кўк муковали китобга улғу шоирнинг 2013 — 2016 йилларда

лар бўлишидан лол қолган, ларзага тушган эдик. «Эверест ва уммон»ни Абдулланинг ўзи кўрди. Ўзи солган сарҳадлари уфқлар оша кетган масаррат боғига кирди. Бу китобида Абдулла Орипов дунёни чуқур тушунган ориф бир зот сингари киноя, истехзо, пичинг, ишора каби шеърлят усулларидан одам ва дунёнинг шу замондаги фалсафасини яратди. Балки, бу ҳажв дунёси жуда аччиқдир ва баъзан жуда ҳазм қилиш оғирдир, аммо шу осон бўлмаган оламнинг ҳар бир фикрловчи инсон бошидан кечириб турган фалсафасидир. Биз ҳали бу ўзига хос янги шеърлят оламининг ички моҳияти ва йўналишига, маъно ва мақсадларига етарлича кириб боролган, шоир орзу қилганча унинг шеърлари сир-синоатлари билан ошно бўлолган, уни кашф қилолган эмасмиз. Буни рўй-рост тан олмоқ керак. Ўқиб ҳайратимизни ичимизга солиб кетаверганмиз, ҳар ҳолда.

Олам ишларининг барча-барча қирраларида зиддият, зиддият, зиддият кўрди: кўрдигина эмас, туйди, хаста юрак билан эмас, ўртанган, изтиробларда куйган юрак билан туйди. Абдулланинг шоир юраги хасталикни асло тан олмади, хасталикка бўйин бермади, унинг зарбалари остида увол бўлиб, тиркираб кетмади. Жуда кучли юрак эди Абдулла-

атрофидаги барча Ер-Заминдан тортиб сайёра-ларда ҳаёт қайнаб ётади: уларда бир зум бўлсин сукуту сукунат йўқ! Коинот тинимсиз яратилиш жараёни ва жараён қийноқларида! Мана шу коинотдан келаётган қийноқларни адабиёт зиддият ва изтироб шиддатларида ифодалайди, тасвирлайди. Адабий санъатларда бунга қадим замонлар, Ватвот замонларидан бери тазод деб ном берилган. Навойининг «Басе, иссинг-совуғ кўрдим замонда, Басе, аччиғ-чучук топтим жаҳонда» шу тазодни кўриб, Навойини олам рўпарасида замонни қандай билганини тасаввур қилиш мумкин. Чексиз олам зиддиятлари фақат ичкари-ташқари, яқин-йироқ каби минглаб сўзлардагина эмас, балки фикрлаш тарзида, айниқса, шоирона фикрлаш тарзида олам ҳақиқатларининг мўъжизаларини дунёга образлар воситасида келтиради. Абдулланинг кейинги давр шеърлярида зиддиятли фикрлаш ўзининг юксак ҳаётли чўққиларига кўтарилди. Шоир зиддиятли фикрлашнинг баъзан жуда гўзал меъёрлари, мутаносибликларини, уйғунликларини топди, баъзан меъёрлардан, мутаносибликлардан муболага билан ошди. Зиддиятли фикрлашнинг бир қудрати шундаки, у оламнинг эсида муҳрланиб қолади, одамга жуда кучли таъсир

фият — бир зумда шоир қалбини чулғаб олиб, унинг устидан ҳукмронлик қиладиган кайфиятнинг ўрни ва аҳамияти бекиёс! Шоир ер юзида эндиликда алам ва забунлик саси ҳукмрон бўлиб қолди ва ундан энди омонлик йўқ, деб ҳулоса чиқаради. Айниқса, Шомда, Афғонда, Яманда юз бераётган даҳшатли хунрезликлар, вайрона-гарчиликларни кўриб, мушоҳада қилиб,

«Черков кўнгиригин жаранги тинмас, Ҳар тонг минорадан таралар азон. Уларнинг борлиги лекин билинмас, Бепоён яйловда кезади инсон»

деган ҳулосага келади. Эҳтимол, бу фикрга баъзилар қўшилмаслиги мумкин. Лекин бепоён яйлов манзараси, ҳамма-хамманинг ялпи тарзда бир-бирига шуқуҳсиз боқиши — булар охир замон манзараларими, ҳозирги замон одамлари шундай сезадиларми? Буларни ҳозирги замоннинг ҳақиқати деб биладиларми? Ёки бу шоирнинг фақат оний — биз индивидуал деймиз, — кайфияти ва ўша ондаги ўртанишлари, чексиз изтироблари натижасими? Атомлар, ракеталар, янгидан янги ваҳшат қурол-яроғлари инсоният бошига солаётган миселсиз қуткуми? Гар бу ўша қутку бўлса, шоир уни апокалипсис манзарасидай таъсирли ҳақиқати билан ифодалаб берол-



Давлат муассасалари ва жамоат хизмати
ҳодимлари касаба уюшмаси
Самарқанд шаҳар кенгаши жамоаси

Ўлкамизга фасллар
келинчаги — баҳор, янги кун
элчиси — Наврўзнинг
ташрифи хайрли бўлсин!
Мард ва олижаноб
халқимизга байрам муборак!



Самарқанд шаҳар тиббиёт
бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси

Бутун Ўзбекистон аҳлини, қолаверса, эл саломатлиги йўлида
фидойилик кўрсатаётган соҳа ходимларини
Наврўз билан муборакбод этади.



Агросаноат мажмуи
ҳодимлари касаба
уюшмаси
Самарқанд шаҳар
кенгаши

Халқимизни
Наврўзи
олам билан
самимий
қутлайди.
Баҳорни
интиқ
кутган
деҳқон-у
чорвадор,
соҳибкор-у
боғбонлар
иши бароридан
келсин!





«ЧИМЁН САНАТОРИЙСИ» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Янгиланиш ва яшариш байрами — Наврўзи олам билан барча-барчани қизгин муборакбод этади!

Улуғ қадриятларимизнинг ёрқин ифодаси бўлган шу қутлуғ айёмда юртимиз аҳлига соғлиқ-омонлик, бахт-саодат тилайди.

Меҳнатсевар ва тинчликсевар халқимиз ҳаёти янада фаровонлашиб, заминимиз бундан-да гуллаб-яшнасин!
Хонадонларимиздан меҳру оқибат аримасин,
Наврўз айёми барчага муборак бўлсин!




«ДЎСТЛИК» ОРДЕНЛИ НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Бунёдкор халқимиз ва соҳа ходимларини умумхалқ байрами — Наврўзи олам билан табриклайди!

Баҳор нафаси уфуриб турган
ушбу кунда хонадонингизга
тинчлик-хотиржамлик,
файзу барака тилайди.

Барчангизга сиҳат-саломатлик,
бахт-саодат ҳамиша ёр бўлсин!



«QIZILQUMSEMENT» AJ маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

Халқимизни ва соҳа ходимларини уйғониш,
яшариш ва янгиланиш тимсоли бўлган
Наврўз айёми билан самимий табриклайди.

Тинч, осуда ва фаровон турмушимизга
ҳеч қачон кўз тегмасин!

Наврўз меҳнатни қадрлашга, табиатни севишга,
ҳаётга теран кўз билан боқиб, мудом эзгу ишлар
қилишга ундайдиган улуғ қадриятларимиздан
бири сифатида азалдан байрам қилиб келинган.
Шундай қутлуғ дамларда бахт-саодат, омад,
мустаҳкам соғлиқ, баҳорий гўзаллик
доимий ҳамроҳингиз бўлсин!





Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ҳодимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши

**Фидойи халқимиз ҳамда соҳа ходимларини
Наврўз байрами билан самимий табриклаб,
шундай саодатли онларда ҳар бир
юртдошимизга сиҳат-саломатлик,
хонадонларига қут-барака,
Ватанимиз равнақини кўзлаб амалга
ошираётган ишларига унум ва ривож тилайди.**



Агросаноат мажмуи ҳодимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши

**Мамлакатимиз аҳлини Наврўзи олам
билан самимий қутлаймиз!
Муборак айём ҳар бир хонадонга
бахт ва шоду хуррамлик олиб кирсин!
Байрамингиз қутлуғ бўлсин,
азиз юртдошлар!**



Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши

**Азиз ҳамкасблар, соҳа ходимлари!
Барчангизни нафосат, янгилашиш ва яшариш
айёми — Наврўзи олам билан муборакбод этамиз!
Барча юртдошларимизга мустаҳкам
сиҳат-саломатлик, узоқ умр,
Ватан равнақи йўлидаги ишларида юксак
муваффақиятлар тилаймиз!
Баҳорий кайфият сизларнинг
доимий ҳамроҳингиз бўлсин!**



«Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти маъмурияти ҳамда қасаба уюшмаси қўмитаси

**Барчангизни янгилашиш, яшариш
байрами — Наврўзи олам билан чин
қалбдан табриклаймиз!**

**Сизларга сиҳат-саломатлик,
бахт ва омад, оилангизга
тинчлик ва хотиракамлик тилаймиз!
Барча эзгу-ниятларингиз
рўёбини кўринг,
ҳаётингиз қувончга бой бўлсин!**



Талабларингизга биноан, «Ishonch» газетаси 2018 йилининг апрелидан сотувга чиқарилади.

МУАССИС:



**O'zbekiston
kasaba
uyushmalari
Federatsiyasi**



2007 йил 11 январда
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
116-рақам билан рўйхатга
олинган.

Бош муҳаррир:

Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Қасаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — 256-64-69
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — 256-85-43
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси
Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар,
таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни
билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. **Қорхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисоб рақами:

2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКОНХ: 87100

Худудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон
Республикаси — (+998-91) 268-92-32
Андижон — (+998-91) 475-23-60
Бухоро — (+998-93) 653-50-81
Жиззах — (+998-91) 943-67-44
Наманган — (+998-90) 260-50-77
Навоий — (+998-93) 314-13-03
Самарқанд — (+998-97) 915-50-87
Сирдарё — (+998-90) 610-95-55
Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07
Фарғона — (+998-91) 141-27-70
Хоразм — (+998-90) 719-48-00
Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фаришаниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Х. Норбоев
Навбатчи:
Ж. Эргашев
Муҳаррир:
С. Шодиева
Саҳифаловчи:
Х. Абдуралилов
Босишга топшириш вақти: — 22:50
Топширилди: — 23:20
123 56
Газета офсет усулида,
А-3 форматда босилди.
Ҳажми 2 Босма табоқ,
Буюртма F — 309.
36887 нускада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133